



«TUIT Bright Futures Week» haftaligi doirasidagi har bir tanlov va musobaqa ishtirokchilari uchun qizg'in kechdi. Masalan, tadbir komissiyasining takhliklariga kura, jami tanlovdagi ishtirokchilar sani respublika'dagi OTM'lar'dan 12 ming na'fardan ziyad, TATU va uning filiallaridan 250 na'fardan ziyad iktidorli talaba, magistr va doktorantlarni tashkil etgan.

>>> 2-bet



Haqiqatan ham, «Ishonch» gazetasida bugungi kunda, kuz bulmаса-da, ijtimoiy munosabatlar'da uchrab turgan u'ta dolzarb masala kutarilgan, deb hisoblaymiz...

>>> 3-бет



Zilg'ish Numanbulbul u'tlu' avliya Akhmad Jassaviy va ul zotning tarixiati yu'luga ma'qub bulgan Hakim o'ta Boqirg'oniy, Sufi Ollo'v, Mashrao, Xusaido, Maxtunquli kabi xikmat va donish sohiblariga pайrov bulib, dum'birasini sayratgan. Jassaviy tarixiati'ga mansubligi dostonlarida u'z ifodasini topgan.

>>> 4-бет

*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri  
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## ҚАНЧА ТАЛАБА ИШЛАЙДИ?

Маълумот

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ўзбекистонда расман ишлаётган талабалар юзасидан маълумот берди.

Қайд этилишича, жами ишлаётган талабалар сони

# 114 135

нафарни ташкил қилади.



Эъзога УМРЗОКОВА («Ishonch») олган сурат

## Қадоқ қўллар яратаётган «КУМУШ ТОЛА»ЛАР

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

# 12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент вилояти

## РАҲБАР УСТАМА ТЎЛАМОҚЧИ ЭМАСДИ...



Хақини талаб қилган ходимнинг ҳаракатлари зоее кетади. Шундан сўнг у касаб уюшмаларига мурожаат қилади. Тошкент вилоятининг Бўка тумани СЭО ва ЖС бўлимида ўтказилган ўрганишларда юқоридаги қонунбузилиш ҳолати ўз тасдиғини топгач, Дилафрўз Абдувалиевага 2023 йилнинг декабридан 2023 йилнинг июлигача жами 6 ярим миллион сўмдан зиёд маблағ тўлаб бериш ҳақида ташкилотга кўрсатма хағи киритилади. Бироқ раҳбар устама туман молия бўлими маблағ ажратган тақдирда тўлаб берилишини маълум қилади. Орадан анча вақт ўтса-да, муаммо ечим топмайди. Шундан сўнг иш судга оширилади. Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро суди томонидан Д.Абдували-

Дилафрўз Абдувалиева 2020 йилда Бўка тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига санитария шифокори ёрдамчиси бўлиб ишга киради. Бироқ унга зарарли меҳнат шароитлари учун тўланиши лозим бўлган қўшимча 15 фоизлик устама тўланмайди.

қолдириш юзасидан ажрим чиқаради. Салкам бир йил давом этган оворагарчиликлардан сўнг адолат қарор топди ва Д.Абдувалиевага 6 ярим миллион сўмдан зиёд маблағ тўлаб берилди. Бундан ташқари, меҳнат шароитлари ўта хавфли бўлгани муносабати билан тўланиши лозим бўлган қўшимча 15 фоизлик тўлов Бўка тумани СЭО ва ЖС бўлимининг 2024 йил учун харажатлар сметасига киритилди ва эндиликда доимий тўлаб борилиши қатъий белгилаб қўйилди.

**Мухаммаджон РЎЗМЕТОВ,** Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Касаб уюшмаси аралашгач...

Наманган вилояти

# 72 000 000

## СЎМЛИК КОМПЕНСАЦИЯ УЛАР ИШДАН НОҲАҚ БЎШАТИЛГАН ЭДИЛАР

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Баҳром Раҳимбердиев ноҳақ ишдан бўшатиш икки нафар ходим манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судида иштирок этди.

Унда Музаффар Лутфиддинов ва Шерзод Рустамовнинг вилоят Туризм бошқармасига нисбатан мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, икки ходим 2021 йилнинг 1 июнидан буён вилоят Маданият ва туризм бошқармасида мутахассис лавозимида ишлаб келишган. Президентнинг 2023 йил июлдаги қарорига асосан ташкилот қайта тузилган ва янги раҳбар тайинланган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, раҳбарнинг ноқонуний буйруғига асосан Лутфиддинов ва Рустамовнинг розилигисиз меҳнат шартномаси бекор қилинган. Меҳнат кодексининг 156-моддасида ташкилот мулкдори алмашганда ёки қайта тузилганда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг розилиги билан давом эттирилиши таъкидлаб ўтилган. Яна шу моддада ташкилотнинг идоровий тааллуқлилиги ўзгаргани ёки қайта ташкил этилгани ушбу ташкилот ходимлари билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш учун асос бўлмаслиги ёзиб қўйилган. Агар ходим иш берувчи томонидан қонунга хилоф равишда ишдан четлаштирилган бўлса, ходимга етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш мажбурияти иш берувчи зиммасига юклатилиши меҳнат қонунчилигида белгиланган. Судда икки нафар ходимнинг манфаатлари устун келди ва бу вазиятда иш берувчи ўз-ўзидан ноҳақ бўлиб чиқди. Шерзод Рустамов ва Музаффар Лутфиддиновни вилоят Туризм бошқармасига ишга тиклаш ҳамда уларга мажбурий бекор юрган кунлари учун етмиш икки миллион сўм иш хақи ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди.

Орзугул РУСТАМОВА «ISHONCH»



Яқинда Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси тасарруфидаги «Бўстон» санаторийида дам олиб қайтдим. Очиги, сиҳатгоҳ тасаввур қилганимдан ҳам яхши экан.

ТАСАВВУРИМДАГИДАН ҲАМ ЯХШИРОҚ ЭКАН

Дарвозадан киришингиз билан ўзингизни кўркам бир чаман оғушга тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Икки томони гулзор, яшил арча ва манзарали дарактлар ифор таратиб турган йўлак бўйлаб юраркансиз, дид ва ҳашамат билан қурилган бинога дуч келасиз. Шифо маскани юрак қон-томир, асаб ва гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган. Даволанувчилар балчиқ, электр муолажалари, лазер ва игнате-рапия, тренажёр, «Лимфастим», «Цзинда» каби замонавий ускуналар ёрдамида муолажа олади-лар. Бу ерда бирийўла 200 нафар бе-морни даволаш имконияти мавжуд. Маъмурият ташаббуси билан боқувчисини йўқотган, ёлғиз ҳамда ногиронлиги бор шахсларга му-руват тариқасида бепул даволаш йўлга қўйилган. Мисол учун, йил бошидан бери 10 нафардан зиёд ана шу тоифага мансуб кишига хиз-мат кўрсатилибди. Ҳалима Култо-ева ана шулардан бири экан. «Саховат» уйда яшайман, - деди у. - Ҳукуматимиз бизга жусба катта ғамхўрлик ва эътибор кўр-сатяпти. Бир ҳафтадирки тўрт нафар ҳамроҳим билан «Бўстон»да даволянапмиз. Кундузи муолажа оламиз, кечаси турли-туман ма-даний-маърифий тадбирларда қатнашамиз. Хуллас, вақтимиз қандай ўтаётганини сезмай ҳам қоляпмиз. Умуман олганда, қайси ми-жоз билан гаплашманг, ҳаммасининг кайфияти аъло, димоғи чоғ. Улар, айниқса, шифокорлардан жуда миннатдор. Ҳар бирининг исмини эхтиром билан тилга олишди. Эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётганлар асло кам бўлмасин. Мана шундай шарт-шароит яратиб берганларга алоҳида ташаккур!

Зухра ҚУРБОНОВА, фахрий журналист

Сурхондарё вилояти

Касаба уюмларига шерободлик Д.Расулова арз қилди. Унинг мурожаатини ўрганиш асноси қатор қонунбузилиш ҳолатларига дуч келдик.

Ҳуқуқ

ТОВОН пули тўлиқ ундирилди

Хусусан, Д.Расулова Республика тез тиббий ёрдам марказининг вилоят филиалида дори-дармон қадоқловчиси вазифа-сида ишлаб юрган кезлари йўл-транспорт ҳодисасига учраган. Иш берувчи бу бўйича Шеробод тумани тиббиёт бирлашмаси бош-лиғига хабар берган ва ундан ходимга ет-казилган зарарни тўлаб беришни сўраган. Бирок кўрсатма инобатга олинмаган ва иш судга оширилган. Суд жараёнида маълум бўлишича, Шеробод ТТБ жабранувчига 2023 йил-нинг март ойигача бўлган бирийўла бери-ладиган нафақа пуллари ва бошқа қарз-дорлик учун 35 миллион 848 минг 541 сўм, маънавий зарар учун 10 миллион сўм миқ-доридоги маблағни тўлаб берган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори бил-ан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғ-лиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалли-кларида чалиниши ёки саломатлиқнинг бошқа хил шикастланиши тўғрисида» эт-казилган зарарни тўлаш қоидалари»да ойма-ой тўланадиган товон пули ҳам назарда тутилган. Шунингдек, мазкур қоиданинг VI, яъни «Юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда зарарни тўлаш сум-масини капиталлаштириш ва тўлаш тартиби» бўлимининг 42-бандида «Белгиланган тар-тибда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига ет-казилган зарар учун жавобгар деб эти-роф этилган юридик шахс қайта ташкил этилган (бирлаштирилган, ўзгартирилган) тақдирда зарарни тўлаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси томонидан амалга ошири-лиши белгиланган».

Мухтасар айтганда, 2024 йил 1 февраль ҳолатига кўра, Д.Расуловага ойма-ой тўла-надиган товон пули мутахассиснинг томо-нидан ҳисоб-китоб қилинганда қарийб 12 миллион 466 минг сўмни ташкил этди. Иш берувчи томонидан ушбу нафақа (товон) пулини РТТМ Сурхондарё филиали тўлаб бериши ва ТМЭК маълумотномаси асосида ҳар ойда 1 миллион 323 минг 966 сўмдан тўлаб бериши ҳамда республикада энг кам ойлик иш ҳақлари ошган вақтда шунга му-таносиб равишда товон пуллари ҳам кўта-рилиб бериши шарт эди.

Иш берувчи юқоридоги қонун ва қарор-лар талабларини бажармаганиги сабабли филиал директори номига қўрсатиб ўтил-ган тўловларни тўлаб бериши ҳақида ёзма кўрсатма киритилди. Филиалнинг 2024 йил 27 февралдаги хатига асосан Д.Расуловага иш берувчи-дан тўланмай қолган 13 миллион 789 минг 766 сўм маблағ тўлаб берилди ва мурожаат тў-лиқ қаноатланган. Шу тариха Д.Расу-ловага касаба уюшмасининг аралашуви бил-ан жами 59 миллион 638 минг 307 сўм то-вон пули ундириб берилди.

Муяссар ҚОДИРОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси



Тараддуд

ЗАРУР ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Темирўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашидан тузилган комиссия аъзолари соҳа ходимлари фарзандларининг мароқли ва мазмунли дам олишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон темирўлчилари» АЖга тегишли бўлган барча оромгоҳлардаги мавсумга тараддуд ишлари билан танишиб чиқдилар.

Ишчи гуруҳ аъзо-лари дастлаб Тошкент вило-яти Бўстонлик тум-нидаги «Янги авлод» болалар оромгоҳида бўлишди. Маскани мавсумга тайёрлаш ҳамда тозалаш ишла-рини олиб бориш иш-лари учун 20 нафар иш-чи жалб қилинган. Улар таъмирлаш, обodon-лаштириш ишларини якунлашган. Кейинги манзиллар - «Кибрай» ва «Бурчи-Мулло» бо-лалар оромгоҳларида ҳам мавсумга тайёр-гарлик кизгин кет-моқда. Наманган вило-ятидаги «Темирўлчи» ҳамда Андижон вило-ятидаги «Аловуддин» болалар оромгоҳла-рида «Кўкон» мин-такавий темирўл узелига қарашли

корхоналар кури-лиш бригадалари то-монидан таъмирлаш ишлари олиб борил-моқда. Қорақалпоғистон-даги «Кўнғирот» са-наторий-профилакти-рийсида ҳам жорий таъмирлаш ишлари кетмоқда. Масканд мавсум давомида барча шароитлар яра-тилиши ходимларнинг диққат-эътиборида.

Умуман олганда, ўрганишлар даво-мида кўздан кечирил-ган барча оромгоҳлар юзасидан хулоса қи-линди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун йўриқ-номалар берилди, зар-рур таклифлар билди-рилди.

Назokat НУРМАТОВА



Умуман олганда, ўрганишлар давомида кўздан кечирилган барча оромгоҳлар юзасидан хулоса қилинди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун йўриқ-номалар берилди, зарур таклифлар билдирилди.

Навоий вилояти

Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюмлари Федерациясининг вилоят кенгаши, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ўғил-қизларимиз бу йилги ёз мавсумини ҳам мароқли ўтказишларига эришиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ

Сўзга чиққанларнинг таъкидлашларича, бу борадаги чора-тад-бирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш юзасидан тизимли на-зорат ва мониторинг олиб бориш бўйича доимий фао-лият юритувчи ишчи гуруҳ тузилган. У оромгоҳларда болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва до-ри-дармонларни узлук-сиз етказиб бериш, мала-кали кадрларни ишга жалб этиш ва оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишларни амалга оширган. Болаларнинг дам олишини ва соғломлашти-рилишини ташкил этиш департаментининг вилоят бошқармаси, Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Навоий вилояти кен-гаши томонидан мавсуми муваффақиятли ўтказиш ишлари мувофиқлаштириб келинмоқда.

Эндиликда бу ором-гоҳлар нафақат фарзандла-римизни жисмоний соғлом-лаштириш масканларига, балки уларнинг маънави-ятини юксалтирадиган ва интеллектуал салоҳиятини оширадиган марказларга ҳам айланди, - дейди депар-таментнинг вилоят бош-қармаси бошлиғи М.Ман-суров. - Янгича ендасув асосида ишлаб чиқилган махсус дастурлар бўйича оромгоҳлардаги тарбия-вий йўналишлардаги тад-бирлар мазмун-моҳияти тубдан янгилашиб, маъна-вий жиҳатдан бойитилди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ



Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюмлари Федерациясининг вилоят кенгаши, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ўғил-қизларимиз бу йилги ёз мавсумини ҳам мароқли ўтказишларига эришиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Қашқадарё вилояти Форум

ШИЖОАТЛИ АЁЛЛАР «ЛОЧИН»ДА

«Шўртангазкимё» мажмуаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳар доим ходимлар манфаатини қўзлаб, ижтимоий шериклик асосида турли тадбирлар ўтказиб келади. Бу гал корхонада «Бахтли келажак сари» шиори остида «ШГКМ шижоатли хотин-қизлари форуми» ташкил этилди.

Шоҳрисабз туманининг Ми-роқи шаҳарчасидаги «Ло-чин» болалар соғлом-лаштириш оромгоҳида бўлиб ўт-ган бу анжуманда мажмуанинг 200 нафар ходимаси мароқли ҳор-диқ чиқариш билан бирга, турли кўнгулочар ва интеллектуал тад-бирларда ҳам қатнашди. Жум-ладан, «Кувноклар ва зукколлар» кўрик-танлови, «Заковат» ўйини, «Кувнок эстафета» ҳамда спорт-нинг волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси ва арқон тортиш каби турлари бўйича мусобақаларда улар ўз иқтидорлари, қизиқиш-лари, шиддат ва шижоатларини намоён этдилар. Бундан ташқари, миллий кадриятларимизни ўзида жам этган кўргазмалар, турли му-сиқий дастурлар, заъф-шавққа тўла рақслар жамоа аёлларида катта таассурот қолдириди.

Тадбирлар якунида илғор хо-тин-қизлар корхона касаба уюшма қў-митаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Муҳими, бу жамоада инсон кадрлари устувор, айниқса, аёлларга эътибор кучли. «Лочин»даги тад-бирлар эса бошқаларга намуна қи-либ кўрсатилса арзийди.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

ИҚТИДОРЛИ «АЙТИ»ЧИЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 20-25 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетиде «TUIT Bright Futures Week» ҳафталиги бўлиб ўтди.

Рақамли технологиялар ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазир-ликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик доирасида илмий-амалий се-минар-тренинг, «TATU рақамли қизлари» ҳақатони, «UNICORN» стартап лойиҳалар танлови, «Менинг келажак касбим» тре-нинг ва «200 нафар иқтидорли талаба» деб номланган кўпгина танлов ва мусо-бақалар ташкил этилди.

ТАДБИРЛАР ИККИ БОСКИЧДА АМАЛГА ОШИ-РИЛДИ: БИРИНЧИ БОСКИЧДА УНИВЕРСИТЕТ ВА ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАР ТАЛАБАЛАРИ ВА ДОКТОРАНТЛАРИ ЎРТАСИДА САРАЛАШ БОСКИЧИ БЎЛИБ, УНДА ТАДБИРДА ИШТИРОК ЭТИШ ИСТАГИНИ БИЛДИР-ГАН ГУРУҲЛАР (ЕКИ ТАЛАБА-ЛАР) УНИВЕРСИТЕТ ВА ФИ-ЛИАЛЛАРДА САРАЛАНИБ, АРИЗА ТОПШИРИШГА ТАВ-СИЯ ҚИЛИНДИ. ИККИНЧИ БОСКИЧДА ЭСА АРИЗАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЖАМОА-ЛАР УНИВЕРСИТЕТДА ТАШ-КИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРЛАР-НИНГ БИРИДА ИШТИРОК ЭТИЛАР. «TUIT Bright Futures Week» ҳафталиги доирасидаги ҳар бир танлов ва мусобақа иштирокчилари учун қизгин кечди. Ма-салан, тадбир комиссиясининг тахлил-ларига кўра, жами танловдаги иштирокчи-лар соғлиқ республикадаги ОТМлардан 12 минг нафардан зиёд, TATU ва унинг фили-алларидан 250 нафардан зиёд иқтидорли талаба, магистр ва докторантларни таш-кил этган. Муҳаммад ал-Хоразмий номи-



Ҳафталик

лар ва болалар учун қулайликлар яратиш мақсадида шифокорлар билан онлайн му-лоқот қилиш, уларнинг қабулига ёзилиш мумкин. Қолаверса, ҳар бир платформа фойдаланувчиси ўз худудида яқин жой-даги касалхона, хусусий клиникалар ҳақида маълумот топа олади. Тадбирда кўп ишланмаларни кўрдик. Тенгшларимиз билан мулоқот қилдик. Менга, ай-ниқса, иштирокчи гуруҳлардан бирининг иши - психолог билан онлайн мулоқот қи-лиш имконини берувчи илова жуда ёқди. Унда фойдаланувчи махсус иловага ки-ради ҳамда иш тажрибаси, йўналиши, жинси бўйича ўзига маъқул бўлган пси-холог қабулига ёзилади. Белгиланган вақтда чат орқали шифокор билан боғ-ланиб, консултация олади. Бунда одамнинг вақти, маблағи тежаллаб, масофа қисқа-ради. Ҳозирги вазиятдан келиб чиқадиган бўлса, бундай ишланмалар жамиятимиз учун керакли лойиҳа деб ҳисоблайман. 24 МАЙ КУНИ ҲАФТАЛИК ДОИ-РАСИДАГИ ТАДБИРЛАРДА ҲО-ЛИБ БЎЛГАН ЖАМОАЛАР ВА ҚАТНАШИЧИЛАРНИ ТАҚДИР-ЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА АЁЛЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗ-ЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОН-ЛИККА ҚАРШИ КУРАШГА ЁР-ДАМ БЕРУВЧИ ИЛОВА МУТЛАҚ ҲОЛИБ ДЕБ ТОПИЛИБ, УНИНГ МУАЛЛИФИ БЎЛГАН ЖАМОАГА 50 МИЛЛИОН СЎМЛИК СЕРТИ-ФИКАТ ТОПШИРИЛДИ. БОШҚА ҲОЛИБ ЖАМОА-ЛАР ҲАМ 10 ВА 7 МИЛЛИОН СЎМЛИК СЕРТИФИКАТНИ ҲАМДА ТЕЛЕВИЗОР, НОУТ-БУК КАБИ ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАРНИ ҚўЛГА КИ-РИТДИ. Умуман олганда, ушбу ҳафталик тад-бирлари истиқболда инновацион го-яларни ҳаётга жорий этиш учун кенг им-кониятлар яратиб бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Бобомурод БОБОЁРОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги TATU Нурафшон филиали директорининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича уринбосари

«Тўйтепаметаллқурилмалари»

АЖ жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини эълон қилади!

Йиғилиш 2024 йил 24 июнь кунин соат 10:00 да «Тўйтепаметаллқурилмалари» АЖ биносида ўтказилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, «Бирлик» МФЙ. Компаниянинг электрон почта манзили: oaoatmk\_pri@mail.ru.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатга олиш 2024 йил 24 июнь кунин соат 10:00 дан 10:30 гача амалга оширилади.

Кун тартиби: 1) Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш; 2) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;

3) Жамият қузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш;

4) Жамият директорининг Жамиятнинг 2023 йилдаги фаолияти яқунлари ва ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш;

5) Жамиятнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

6) Жамият қузатув кенгашининг амалдаги таркиби ваколатларини тугатиш ва унинг янги таркибини сайлаш;

7) амалдаги директорининг ваколатларини тугатиш ва жамиятга янги директорини тайинлаш;

8) уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, асосий фаолият турига ўзгартиришлар киритиш (ОКЕД коди - 29100) «Автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш»га ўзгартиришлар киритиш ва Жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш;

9) акциядорлик жамияти балансидаги эскирган биноларни бузиш ва бир хонали квартирани ва бошқа муомалага лаёқатсиз асосий воситаларни сотиш тўғрисидаги қарорларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

10) Жамият фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш;

11) Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилган битимларни тасдиқлаш.

Эслатиб ўтайти, акциядорлар Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш бўйича материаллар ва маълумотлар билан Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, «Бирлик» МФЙ, «Тўйтепаметаллқурилмалари» АЖ манзили бўйича таъиниш ҳуқуқига эга. Тел.: 909973333.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида рўйхатдан ўтиш ва унда иштирок этиш учун акциядорларда шахсий гувоҳнома (паспорт), акциядорлар вакилларида эса ишончнома (жисмоний шахслар учун нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун мазкур юридик шахс томонидан берилган) бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Агар акциядор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида масофадан туриб иштирок этиш ва овоз беришни хоҳласа, у ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай Жамиятни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

«Тўйтепаметаллқурилмалари» АЖ қузатув кенгаши

«Indorama Kokand Textile» акциядорлик жамияти (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мувофиқ ташкил этилган (СТИР: 207080209) ва 23488-сон билан рўйхатга олинган юридик шахс масъулияти чекланган жамиятга айлантириш шаклида қайта ташкил этилаётганлигини маълум қилади.

Жамият қайта ташкил этилиши муносабати билан кредиторларнинг талаблари, улар хабардор қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида жамиятнинг қуйидаги манзили бўйича қабул қилинади: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 205-уй.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши жамоаси Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Ашуралли Отажонович ТОЖИЕВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда яқинларига қуқур таъзия билдиради.

«Ishonch»га жавоб бердилар

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 25 апрелдаги 51-сонида «Изтиробли саволлар ёхуд ҳукумат қарорлари ўртасидаги номувофиқликлар қачон тартибга солинади?» сарлавҳали мақола чоп этилиб, мутасаддилар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга Конституциявий суд қуйидагича муносабат билдирди:

ҲУКУМАТ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ЖАВОБИНИ КУТИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ



Ҳақиқатан ҳам, «Ishonch» газетасида бугунги кунда кўп бўлмаган, ижтимоий муносабатларда учраб турган ўта долзарб масала кўтарилган, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда айрим давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзаро номувофиқликлар учраб турганини инкор этиб бўлмайди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай номувофиқликлар пайдо бўлса, улар ўз вақтида тегишли тартибда бартараф этилиши керак.

«Ishonch» газетаси мухбирлари томонидан муаммони чуқурроқ ўрганиш ҳамда унга аниқ ечим топиш мақсабида ҳуқуқшунос-юрис Шермухаммад Деҳқоновга юборилган сўроғга берилган жавобда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2021 йил 26 октябрдаги «Етим бо-

лалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ўзаро мувофиқлаштиришга оид тақлифлар берилгани эътиборли.

Маълумот ўрнида шунинг маълум қилмазмики, янги тахрирдаги Конституциянинг 132-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

Газетанинг 2024 йил 25 апрелдаги 51-сонида чоп этилган «Изтиробли саволлар ёхуд ҳукумат қарорлари ўртасидаги номувофиқликлар қачон тартибга солинади?» сарлавҳали мақола ва унда кўтарилган масалаларни атрофича ўрганиш учун Вазирлар Маҳкамасига юборилганини инобатга олиб, ҳукумат мутасаддиларининг жавобини кутиш мақсадга мувофиқдир.

Агар мурожаатга бирон-бир ижобий жавоб бўлмаган тақдирда, фуқаро газетда кўтарилган масаласига ижобий ечим топиш учун умумий юридикция суди (маъмурий суд)га мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси А.РАҲИМОВ

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА СОТИБ ОЛИНГАН ТУРАЖОЙЛАР ХУСУСИЙЛАШТИРИЛМАЙДИ

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 25 апрелдаги 51-сонида чоп этилган

«Изтиробли саволлар ёхуд ҳукумат қарорлари ўртасидаги номувофиқликлар қачон тартибга солинади?» сарлавҳали мақолага Адлия вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сонли қарори билан тасдиқланган «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низомининг (Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сонли «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган) 7-бандида ушбу низомига мувофиқ берилган, шу жумладан, бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган тураржойлар хусусийлаштирилмаслиги, етим болалар ва ота-она

қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тураржой олиш ҳуқуқи бир марта берилши белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сонли қарори билан тасдиқланган «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низомининг 1-бандига асосан ушбу низоми етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартибини белгилайди.

Мазкур низомининг 11-бандига мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уй-жойга муҳтож етим болалар рўйхатида турганида ёки бириктирилган уй-жойга эга бўлганида, етим бо-

нинг ёши 23 ёшдан катта бўлмаган даврда, таълим муассасаларида, ижтимоий уйларида, фарзандликка олан оилаларда, васий (ҳомий) қарамоғида бўлган тўлиқ даврда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида хизматни уташ даврида ёки овоздан маҳрум қилиш тарихидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даврида мерос бўйича ҳамда давлат томонидан берилган уй-жой олишга ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Адлия вазирлиги

Эълон  
ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!  
Ўзбекистон Республикасида етакчи ҳарбий таълим маскани ҳисобланган, ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мавқега эга бўлган Қуролли Кучлар академияси қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:

Педагог кадрлар малакасини ошириш марказига	Ҳарбий педагогика ва психология кафедрасига	Табиий фанлар кафедрасига
Доцент - 3 нафар	Профессор (психология) - 1 нафар	Кафедра мудири (математика, физика,) - 1 нафар
Ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик кафедрасига	Доцент (психология) - 2 нафар	Профессор (математика, физика) - 2 нафар
Профессор (IT) - 1 нафар	Кафедра ўқитувчи (психология) - 1 нафар	Доцент (математика) - 1 нафар
Доцент (алоқа ва IT) - 1 нафар	Ўқитувчи (психология) - 1 нафар	Доцент (кимё) - 1 нафар
Кафедра ўқитувчи (алоқа ва IT) - 2 нафар	Профессор (педагогика) - 1 нафар	Доцент (физика) - 2 нафар
Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедрасига	Доцент (педагогика) - 1 нафар	Доцент (электротехника) - 2 нафар
Доцент (жисмоний тайёргарлик ва спорт) - 1 нафар	Кафедра ўқитувчи (педагогика) - 1 нафар	Кафедра ўқитувчи (электротехника) - 1 нафар
Кафедра ўқитувчи (жисмоний тайёргарлик ва спорт) - 1 нафар	Ўқитувчи (педагогика) - 1 нафар	Кафедра ўқитувчи (математика) - 1 нафар
Ўқитувчи (сузиш бўйича мураббий) - 1 нафар	Тиллар кафедрасига	Ўқитувчи (математика) - 1 нафар
Ҳарбий фанлар кафедраларига	Кафедра мудири (барча тиллар) - 1 нафар	Гуманитар фанлар бўйича
Профессор - 2 нафар	Доцент (инглиз тили) - 3 нафар	Профессор (тарих) - 1 нафар
Доцент - 6 нафар	Доцент (форс тили) - 1 нафар	Доцент (диншунослик) - 1 нафар
Кафедра ўқитувчи - 1 нафар	Доцент (рус тили) - 2 нафар	Доцент (фалсафа, тарих) - 2 нафар
Ўқитувчи - 1 нафар	Кафедра ўқитувчи (инглиз тили) - 6 нафар	Кафедра ўқитувчи (диншунослик, тарих) - 1 нафар
	Кафедра ўқитувчи (немис тили) - 1 нафар	Профессор (юриспруденция) - 1 нафар
	Кафедра ўқитувчи (рус тили) - 1 нафар	Доцент (юриспруденция) - 1 нафар
	Кафедра ўқитувчи (француз тили) - 1 нафар	Ўқитувчи (хуқуқшунос) - 1 нафар
	Ўқитувчи (инглиз тили) - 2 нафар	
	Ўқитувчи (немис тили) - 1 нафар	
	Ўқитувчи (рус тили) - 1 нафар	
	Ўқитувчи (Ўзбек тили) - 1 нафар	

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: Академия бошлиғи номига ариза, қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим. Танловда қатнашиш учун камида магистр даражасига эга, хоржий тилларни билиш бўйича тегишли сертификатларга (С1, IELTS) эга бўлган (тиллар кафедрасига), келажакда илмий иш билан шуғулланиш истаги бори номзодлар тақдир этилади. Ҳужжатлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун муддат ичида қабул қилинади.

Академияда педагог-ўқитувчилар таркибига ҳақ тўлаш тартиби қуйидагича белгиланган: 1. Махсус моддий рағбатлантириш жағғармаси ҳисобидан базавий лавозим маошига 15% қўшимча устама; 2. Иш муддати учун 30% гача қўшимча устама; 3. Илмий педагогик меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга 30% дан 60% гача қўшимча ҳақ тўланади; 4. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан махсус талабларга жавоб берадиган ва белгиланган талабларни бажарганларга 200% гача ҳар ойлик қўшимча устамалар тўланади.

Маълумот учун телефон: 71 289-97-27, 71 289-97-84.



# ЎЗИ ЎЛМАС БАХШИ

Қадрият

**ЎЗБЕК ДИСТОНИЧЛИК МАКТАБИНИНГ ЗАБАРДАСТ НАМОЯНДАСИ МУЛЛА ЭРГАШ БАХШИ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ (1868 - 1937) ЎЗИДАН АВВАЛ ВА Кейин ЎТган барча шу тоифага мансуб ижод аҳлининг пешвосидир. Ўзбекистон қахрамони, халқ шoirи абдулло Орипов таъбири билан айтганда, Ўзбек адабиётининг навоийси - Алишер навоий, Ўзбек фольклорининг навоийси - эргаш жуманбулбул ўғлидир.**

Бахшнинг «таржимаи хол»ида қуйидаги сатрларни ўқийсиз: «Мен Зарафшон вилояти, Нурота жариби, Жўш даҳасининг Кўрғон қишлоғидан Мулла Эргашман. Олтимиш бир ёшдан, Жуманбулбул ўғли (отам), Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тошинг ўғли, Мулла Тош Уста Лафаснинг ўғли, Уста Лафас Ёдгорнинг ўғли, ўзим ўзбек миллатиданман».

Ўзи қайд этган шажараларига кўра, аждодлари саводли мулларар, маърифатли инсонлар бўлган, шунингдек, бахшчилик ва ҳунармандликдан насбдор эканликларига ҳам аниқлашди. Ота-боболари йўлига солиқ бўлсин, уларнинг изидан борсин деган эзгу ниятда ва қадим удумларга мурофий, унга Эргаш исмини қўйишган экан.

Бахшнинг сўзга чечанлиги ва айтувларининг маънодорлиги қуйилган дostonларида аксини топган. Бу қобилият ҳам унга аждодларидан мерос бўлиб қолган.

Катта энalarидан бири Султон кампирнинг қозоқ оқини билан савол-жавоби кўп эсланадиган воқeалардан. Унга кўра, Кўрғон бахшиларининг, ҳусусан, Жуманбулбулнинг шухратини эшитган қозоқ оқинларидан бири шу ерга келибди. Ҳа воқeани фольклоршунос олим Шомирза Турдимов қуйидагича баён этади:

«Баъзи манбаларда бу оқиннинг исми Мойлихўжа дейилади. XIX аср ўрталарида Жуманбулбулга замондош бўлиб яшаган икки Мойлихўжа номи қозоқ фольклоршуносларида эътироф этилган. Бири Келес атрофида, иккинчиси Қизил Ҳўра томонида яшаган. Бизнингча, Жуманбулбул билан дўст тутилган оқин Қизил Ҳўралик Мойлихўжа бўлиши мумкин. Жўрофий жиҳатдан олinsa, Нурота ва Қизил Ҳўра ораси анча яқин ва бу худудлар ўртасида маданий-иқтисодий алоқалар доимо бўлган.

Хуллас, оқин куннинг иссиғида Кўрғонга келади. Қараса, бир кекса аёл, яъни Султон кампир қудуқдан сув тортиб, моллар новини тўлдирётган экан. Оқин саломлашиб, отини новдаги сувга қўйиб, кўнглига бир гап келибди. Шу момоиди тебратиб қўйиб, дея Оқовга юзланибди ва дона-дона қилиб, савол ташлабди:

*«Сендан савол сўрайман турдан зайп (аёл), Уши турдан товларинг неча жасар?»*

Султон кампир бир гап бўларини сезиб турган шекилли, дарҳол жавоб қилибди:

*«Худойимнинг ишин кўр, Фалақнинг зардинин кўр.»*

**Мен билмайман жoшини, Овзин очиб, тишин кўр.**

Оқин «Бу элнинг номи чикмаган аёли шундай чечан бўлса, эларо машҳур Жуманбулбул қандай бўлди экан?» деб, зистга қайтиб кетган экан. Кейинчалик у Жуманбулбул билан дўст ту-

Мулла Эргаш шоиб бориб, «Баҷағорди бойлаб келдим, ёшамол экан, юракка чопмайди, кучим етмади, энди пасда туради. Бечора анча кийналаган бўлди-да», деб келди.

Кўрганлар айтиди: «Учадан қақибди, учадан оёкка туширамиз», деб ўқиди. Укигани сайин иши сурилиб-сурилиб тўпикқа келди. «Шу ер-

**ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ УЛУҒ АВЛИЁ АХМАД ЯССАВИЙ ВА УЛ ЗОТИНИНГ ТАРИҚАТИ ЙЎЛИГА МАХБУБ БЎЛГАН ҲАКИМ ОТА БОҚИРҒОНИЙ, СЎФИ ОЛЛОЁР, МАШРАБ, ХУВАЙДО, МАХТУМҚУЛИ КАБИ ХИҚМАТ ВА ДОНИШ СОҲИБЛАРИГА ПАЙРОВ БЎЛИБ, ДЎМБИРАСИНИ САЙРАТГАН. ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИГА МАНСУЛИГИ ДОСТОНЛАРИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.**

дан бойланглар, у ёғига хайдасак, жон қўшилиб чиқиб кетади, энди ўзи ёрилиб, захар сарик сув бўлиб оқиб, аста-аста битиб кетади. Бориб чаккан жойини қаранглар, илон чиқиб ётган бўлиши керак», дебди. Бориб қарашса, катта қўлвор илон ўлиб ётган экан... У ҳеч кимнинг кўнглини қайтармайдиган, бир авлиё одам экан-да!».

Ушбу хотира шунинг англатадики, Мулла Эргаш кучли руҳият соҳиби бўлган ва эл орасида овоза бўлиб, одамлар назарига тушган. Бошига оила юки тушганида бу касб уни маълум даражада қалғитган бўлса, ажаб эмас.

Уша даврларда Эргаш бахши факуллодда ноёб хотира, истеъдод соҳиби сифатида танила бошлаган. Дostonларни озига келганини эмас, таллаб-саралаб, кейингисини аввалгисидан бойитиб айтайтиши элни бефарқ қолдирмайдди. Ижтисомандлари ва хавасмандлари кўпайиб, устоз бахшига айланиб боради. Ҳусну хулқи билан обрў-эътибор ортиради.

Хасан ал-Басрий деганидек, «Хусни хулқ бу яхшилик улашмоқ, ёмонликдан тийилмоқ ва очик юзли бўлмоқдир!» Мулла Эргаш бу хикмати «Равшан» дostonига қуйидаги маънода сингдирган:

Кўлингдан келгунча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от. Насихатим ёд қилиб ол, ёлғизим, Ёлаиз юрса, чанг чиқармас яхши от.

Мулла Эргаш 1924 йили қишлоқ болалари саводини чиқариш ниятида бошланғич мактаб очади. Аммо келаси йил кузида Ўзбекларни ўрганиш кўмитаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрига қақирилгач, мактаб фаолияти тўхтаб қолади.

Самарқандда фольклоршунос Ҳодӣ Зариф раҳбарлигида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дostonлари унинг оғзидан ёзиб олинади. У дostonлар сатрига дардларини кўчириб, хикматли сатрларни шоён қуйлайди. Бинобарин, олдин яшаб ўтган шоирлар ижодига таққосласангиз, у ҳам нодир талент соҳиби эканлиги аён бўлади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли улуг авлиё Аҳмад Яссавий ва ул зотнинг тарикати йўлига махбуб бўлган Ҳаким ота Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Машраб, Хувайдо, Махтумқули каби хикмат ва дониш соҳибларига пайров бўлиб, дўмбирасини сайратган. Яссавия тарикатиға мансублиги дostonларида ўз ифодасини топган.

Бизнингча, қуйида Эргаш шоирнинг «Қундуз билан Юлдуз» дostonидан келтирилган парчаларни Аҳмад Яссавий хикматларига қиёслаш фикримизнинг исботи бўла олади.

**Панд-насихат мавзусида.**  
*Мулла Эргаш бахшидан:*  
*Нуралижон, бир пандиёт айлайин, Сен бўлмасанг ҳар кунда дод айлайин, Бирпасга от жиловин тўхтагин, Тур, ярқиним, бир насихат айлайин.*

*Ҳазрат Аҳмад Яссавийдан:*  
*Кул Хожа Аҳмад, бу ҳикмати кимга айдинг, Орифман деб халойиқга ўқиб ёйдинг. Тавсир қилмас олимларга айтовон пандинг, Ориф уқур, тан мулкени ваётрон қилур.*

**Манманликни қоралаш мавзусида.**  
*Мулла Эргаш шоирдан:*  
*Ўзингдан пастрларман ҳар йўлга кетма, Боланг, айтган насихатин унутма, Олдиндан ким чиқса, саломсиз ўтма, Бир ғарибни кўрсанг, зинҳор оғритма.*

*Ҳазрат Аҳмад Яссавийдан:*  
*Қайда кўрсанг кўнгли синук, мархам бўлгил, Андоғ мазлум йўлда бўлса ҳамдам бўлгил, Рўзи махлар даргоғига махрам бўлгил, Муовманлик халойиқдин қотқим маню.*

Улуг хикмат ва дониш соҳибларига пайров бўлиб, дўмбирасини сайратган Мулла Эргаш Жуманбулбул ўғлининг аслиятдан омани тўлиқ хабардор қилиш фурсати аллақачон етган.

**Суяндик Мустафо НУРОТОЙ,**  
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

## Фарзандингиз тарбияси ишончли қўллардами?

**К**ейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда «Бogча опа томонидан бола калтакланиб, қўлига игна тиқилди», «Болаларни урган тарбиячи шудан бўшатилди», «Тошкентда бogча тарбиячиси 5 ёш болани калтаклади», «Бogчада тахрирланган болалар рўйи жароҳат олишди» мазмундаги хабарлар кўпайди. Бундан ташқари, бутлур тўққиз ой давомда юртимизда 1200 нафардан зиёд вoяга етмаганларга нисбатан зўравонлик қилинганни аниқланган. Аксарият ҳолларда болаларга яқинлари, қариндош-уруғлари томонидан қилинган. Қизиғи, ҳозирги психологлар болаларни қаттиқ жазолаш мумкин эмаслигини айтишса, айрим кишилар еншил ва меъриёдаги жисмоний жазонинг ҳеч қандай ёмон томонини йўқлигини таъкидлашади.

Биз айрим бogча мудирлари ва ота-оналарнинг ушбу масалалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан танишишга аҳд қилдик. Жумладан, поитахмининг Юнусобод туманидаги 43-давлат мактабгача таълим ташкилоти директори Дилноза АЛИМОВА билан суҳбатлашдик.

«Сиз ижтимоий тармоқларда тарқалган болалар бogчаларига доир воқeаларни қандай изоҳлайсиз?»  
- Албатта, бу ҳолатларни ёқламайман. Чунки аёл, аввало, она, энг буюк зот. Тарбиячи-педагог ҳам болаларга ўз онасидек яқин ва муътабар инсон. Машойхлар «Мураббийнинг у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам обод бўлади» деган гапни бежиз айтишмаган. Лекин ниҳоятда машаққатли бу касбни танлаган инсон, аввало, кичкинтойларни севиши, уларга меҳри

кўпчилиги телефон, телевизор ва компьютерга боғланиб қолишга ёрдам бериш мумкин эмаслигини таъкидлаш керак. Кексалар билан гаплашсангиз, улар бир вақтлар ўғил-қизларини бogча ёки мактабга бераётганларидан тарбиячи ва ўқитувчиларга астойдил ишонмишганига, таъбир жон бўлса, «Эти сизники, суяги бизники» каби-лида иш тутишганига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳозир-чи?.. Айрим ота-оналар зурриётлари мактаб ёки бogчада қандай таълим-тарбия олаётгани билан кизикмайдилар. Биринчи нав-

«Болалар бogчаларида психологлар ҳам ишлашадими?»  
- Албатта! Улар нафақат болажонлар, балки ота-оналар ва барча педагог-тарбиячилар билан ҳам иш олиб боришади.  
«Ота-оналар фарзандларини бogчага топшираётганда кўпроқ нималарга эътибор қарагишлари зарур?»  
- Биринчидан, давлатимиз болани мактабгача таълим ташкилотига бериш ёшини 3 ёш қилиб белгиланиши иноватга олиш зарур. Бироқ аксарият ота-оналар хали фарзанди бу ёшга тўлмасиданоқ «Уни бogчага қабул қилинг. Биз уйда эплай олмаймиз», деб келишади. Иккинчидан, баъзи кишилар бogча тилларни ўргатишнинг ҳисобга олиб, боласини узокдаги бogчаларга ҳам беришади. Бу кичкинтойлар руҳиятига салбий таъсир қилувчи талай муаммоларни келтириб чиқаради. Аввало, ҳали нутқи яхши ривожланмаган боланинг бошқа тилини ўрганиши ўз она тилини йўқотишига сабаб бўлади. Қолаверса, анча олдсизга бogчага ўз вақтида олиб бориб-олиб келолмаслигининг руҳий ҳолати бузилиши ва ички ҳиссини қулайтириши, онда кун тартибига риоя қилиш тушунчаси шаклланишига олиб келади. Мен ота-оналарга масаланинг ана шу жиҳатларини иноватга олишларини таъсир қилган бўлардим. Ота-оналардан баъзилари болалар камроқ ва бир неча тарбиячи назорати остида бўлгани учун ўғил-қизларини ҳусусий бogчага юборишни афзал кўришади. Яна бир гуруҳ ота-оналар эса болалар тарбиясини қариндошига ёки энагага ишончи топширишади. Иккала ечминнинг ҳам яхши ва ёмон томонлари бор.



*«Мен ёқтирган йўнингчоқ»*  
**психологик тренинглар соғлом муҳит шаклланишига хизмат қилади**

Учтепа туманидаги «Азиз болажон» номи 608-ДМТТ бу борада намунали даргоҳлардан бири ҳисобланади. Яқинда унда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, «Мен ёқтирган йўнингчоқ» мавзусида психологик тренинг ўтказилди. Машғулотларини ташкилот психолог Ширин Тошқўжаева олиб борди. Унинг таъкидлашича, мактабгача ёшдаги бола ён-атрофидаги дунёни жуда фаол ўрганади, турли билим, қобилият ва кўникмаларни оғаллайди, ҳаётини тажрибасини кенгайтириши, катталар ҳаётига имкон қадар тезроқ қўшилишига ва мустақил бўлишига интилади. Шу боис тарбияланувчилар билан тез-тез психологик тренинглар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тадбирлар болаларга кўрқув ҳиссини, тенгдошлар билан мулоқот қилишига қийинчиликларни бартараф этишда жуда кўп келади.

Учинчидан, болаларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ва дафтарига қайд қилиб боради. Сўнгра аниқланган натижалар асосида тарбиячилар ва ота-оналарга зарур тавсиялар беради.

ДМТТларида бундай психологик тренинглар ўтказишдан бош мақсад мактабгача ёшдаги болаларнинг руҳиятида рўй берадиган салбий ҳолатларни осон енгиб ўтишига ўргатишдан иборатдир.

**Комилла БОЙМУРОДОВА**  
«ISHONCH»

**Мадина ПЎЛАТ қизи**  
«ISHONCH»

**MYACCCIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalar federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
«Ishonch» va «Ishonch-Doveerie» gazetalari tahrir hay'ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALIMOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Qulrob RAFIQOV, Shoqsim SHOILOMOV, Hamidulla PHOIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doveerie»)  
Bosh muharrir Husan ERHATOV  
Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-23  
Hududlardagi muxbirlar: Qorag'olpoq'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-99) 080-93-38, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27  
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
Navbatchi muharrir: A. Haydarov  
Musahhihlar: U. Xudoyberganova, D. Ravshanova  
Sahifalovchi: H. Abdullajilov  
Bosishga topshirish vaqti –23:50  
Topshirildi – 00:30  
Bahosi kelishilgan narxda  
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
Umumiy adadi 35 131 ta  
Shundan: 7396 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 249 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 8486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.  
Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511  
1 2 3 4 5 6